

ҲОКИМ КИМ ?

Инатов Азиз Нуриддинович

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 8 мавзе 18 уй 19 хонадон

Аннотация: Ушбу мақолада давлат ҳокимияти вазифаларини бажаришида сидқидилдан адолат билан ёндашадиган халқпарвар ҳоким қандай бўлиши кераклиги бўйича тавсиялар кенг ёритилган. Ҳозирги кундаги баъзи амалдорлар ўтирган лавозими номига суяниб, куракда турмайдиган ишларни қилиб, одамларни норозичилигини келтириб чиқаришмоқда. Бу мақола тарихда ахлоқи мукамал бошқарувчиларни мисоллар билан келтириб, халқ устаган ҳоким қандай бўлиши керак ва қандай бўлса мамлакатга зиён келтириши мумкинлиги ҳақида очиб берган.

Аннотация: В данной статье широко освещены рекомендации о том, каким должен быть народолюбивый хаким, который решает государственные задачи со справедливостью. Сегодня некоторые чиновники опираясь на названия должности, творят невыносимые дела, вызывая недовольство народа. В этой статье приводятся примеры высокоэтичных лидеров населения в истории и таким образом объясняется, каким должен быть хаким, которого желает народ и какие его поступки могут навредить стране .

Abstract: This article widely covers recommendations on ‘What are the qualities of the Khokim (Mayer) beloved by people who puts justice upon everything. Today, some officials, misusing their authority and do unacceptable things or behave abnormal setting distrust among people. This article portrays the examples of highly ethical leaders and professional Khokim for people listing the qualities he/she should poses in order to gain the respect of people and benefit the country.

Калит сўзлар: ҳоким, амалдор, адолат, вазифалар, лавозим, масъулик.

Ключевые слова: хаким, чиновник, юстиция, задачи, должность, ответственность.

Keywords: governor, mayor official, justice, tasks, position, responsibility.

Дунёда турли касблар мавжуд, турли лавозимлар шакллантирилган. Ҳар бир касб, лавозим ўзининг мажбуриятларига эга [1].

Агар сиз бирор кимга супурги топширсангиз, ҳар ким кўча тозаловчи бўлиши мумкин. Механик бўлиш қийинроқ: сиз заводга бориб, шогирд бўлишингиз керак. Ўқитувчи бўлиш учун сиз 6 йил давомида ўзингизни олий таълим муассасасига бағишлашингиз ва узок амалиётдан кейин ишлашингиз мумкин. Аммо маҳаллий ҳокимият раҳбари – ҳокимлик касбини қаердан ўрганиш мумкин? Савол риторик, аммо барибир ...

Тарихга назар солсак Форс ерларида ҳокимликка ҳокимлар - подшо ноиблари бошчилик қилишган. Маъмурий ислохотлар ўтказгунга қадар ҳокимликлар ҳарбий бўлмаган ноиблардан тайииланарди. Ижро этиш бошқарув ва суд ҳокимияти уларга

бўйсундирилганди. Улар ҳокимликдаги хўжалик ҳаётини, ўлпонлар йиғилишини кузатиб боришарди, ўзларига бўйсунувчи худуддан ўтувчи йўллардаги хавфсизликни таъминлашарди, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилишарди. Уларга кўплаб мансабдор шахслар ва мирзолар, солиқ, тўловчилар ва жарчилар, суд терговчилари, ҳисобчилар бўйсунардилар. Ҳокимлар кумуш танга зарб килиш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Ҳокимлар ва лашкарбошилар марказий бошқарув билан узвий алоқада бўлганлар, подшо ва унинг амалдорлари уларни доимо назоратлари остида ушлаганлар. Демак, Форс ерларида ҳокимликка номзодлар ўз нафсини бошқара оладиган, пулни кўрганда ўзини йўқотиб қўймайдиган одамлар орасидан тайинланган.

Халкедонлик Фрасимах кичик софистларнинг энг ёрқин вакили эди. Унинг таълимотига мувофиқ сиёсат худолар фаолияти доирасида эмас, балки инсонлар қудрати ва манфаатларига тегишли соҳадир. Ҳар бир давлатда ҳокимият тепасида бўлганлар қудратлидир, улар ўз фойдасига хизмат қилувчи қонунларни ўрнатади. Унинг таъкидлашича, «кучлиларга фойда келтирадиган нарса адолатдир». Шу тарзда Фрасимах давлат фаолиятида зўравонликнинг, сиёсат ва қонуннинг авторитар хусусияти аҳамиятини кўрсатган. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий соҳада ҳокимиятни эгаллаб турганларнинг қарашлари ҳукмронлик қилади. Бизнинг давлатимиздага “ҳоким бувалар”нинг сиёсатини кузатиб, уларнинг маънавий-ахлоқий соҳадаги қарашларини билиб олаверинг.

Арастунинг ғоясига кўра, давлат мураккаб тушунча бўлиб, унинг қандай шаклдалигини аниқлашда кимлар униинг фуқаролари ҳисобланиши муҳим аҳдмиятга эга. Арасту давлатни тўғри ва нотўғри шаклларда бўлишини ҳам кўрсатади. Тўғри шаклларда бошқарувчилар умумий фойда йўлида ҳаракат қилишади, нотўғри шаклларда эса фақат ўзларининг шахсий манфаатларидан келиб чиқиб бошқарадилар. Биз аниқ қилиб айтаемизки, бизнинг “ҳокимиятчилик саҳнамизда” ҳам тўғри, ҳам нотўғри бошқарув шакллари мавжуд, “ҳеч кимни хафа қилмаганмиз”.

Темур салтанатини бошқаришда вазирларни, амирларни, девонбеги, вилоятлардаги девон ходимлари ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишда номзодларнинг насл-насабига, ақл фаросатига, халқпарварлигига, адолатпарварлигига, зийраклиги-ю, одамлар билан муомаласига катта эътибор берган. Унинг фикрича, давлат ҳокимияти зўравонлик билан эмас, балки ўз ҳукмининг таъсирчанлиги ва адолат билан бошқарилишига таянмоғи керак. У вазирлардан қуйидаги ҳислатларга эга бўлишни талаб этган: биринчиси, аслик, тоза наслик; иккинчиси, ақл фаросатлилик; учинчиси, сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, хушмуомалалик; тўртинчиси, сабр-тоқатлилик. Шундай ҳислатларга эга бўлган вазирга тўртта имтиёз, яъни ишонч, эътибор, ихтиёр ва ҳокимият берган.

Амир Темур давлат ишларини юритишда уламолар, илм-фан аҳллари, умумай ўн икки ижтимоий табақага таянган. Жумладан, бу ҳақда, фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан ҳокимларга ёрдам бериб келганлар. Тарихий манбаларга кўра, Соҳибқироннинг ўғли Мироншоҳ, набиралари Пирмухаммад ва Ҳалил

Султонлар ўз мансабини суиистеъмол қилиб, маишатга берилгани учун халқ олдида жазога тортилишган, яъни маълум вақтга қадар ҳокимиятдан ҳам четлатилган. Ҳозирги замонимизда бизда қанчадан қанча Мироншоҳлар, Пирмуҳаммаду, Ҳалил Султонлар ҳокимиятни бемалол бошқариб юришипти. Давлат ишларини юритишда ҳокимларга Амир Темур сиёсатига ёндашиб илм-фан аҳлларидан маслаҳат солиб бошқарилса нур устига аъло нур бўлар эди [2].

Ҳокимият, ҳоким деганда халқ ўзининг ўлчови асосида уни тасаввур қилади, шу ўлчовлар асосида ҳоким билан муносабат қилади. Бу ўлчовлар аввало одамларнинг дунёқарашидан, ҳуқуқий билимларининг даражасидан келиб чиқади. Аслида Ҳокимнинг мажбурият ва вазифалари нималардан иборат? Қонунчиликда Ҳоким лавозимини эгаллаган шахс ҳақида тушунча ва бу лавозимга қўйилган талабалар, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қонунчилик, тартиб ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалалари;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш;
- маҳаллий коммунал хизматларни бошқариш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қабул қилинишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган норматив ҳужжатлар ва бошқа ваколат доирасидаги ҳужжатларни қабул қилиш [3].



Юқорида келтирилган мажбуриятлар, аҳамият беринг “мажбуриятлар” ҳоким зиммасига халқ манфаатларини ўйлаб, одамларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини бартараф этишга қаратилган.

Ҳокимнинг асосий вазифаси халқ фаровонлиги эмасми? Ҳа, шундай, аммо ҳозирда баъзи ҳокимлар фақат лавозим номига эътибор қаратадилар. Шу оддий туюлган “ҳоким” сўзи амалдорнинг руҳиятига таъсир қилиб, мағрурлантириб, қўл остидаги ишчилари, ваколатлари доирасидаги ҳудудларда яшовчи фуқаролар, борингки атрофдаги одамларга нисбатан кибрлантириб қўяркан. Уларнинг фикрича, ҳоким фақат буйруқ бериш асосида ишлайди, ўзига маъқул бўлса халқ дардини эшитади, шахсан ўзига манфаат бўлмаса масала четга суриб қўйилади ёки буткул унутилади, демак “дард” ичга ютилди. Юқори лавозим уларнинг кўзларига парда тўсиб қўймоқда. Балки лавозим номини ўзгартириш керакдир? “Халқ хизматчиси”, “халқ кўмакчиси” ёки “ҳудудга масъул шахс” ёки бошқа маъқул ном. Балки лавозим номи ўзгарганда раҳбарлик қилишдан мақсад билинар “ҳоким буваларга”.

Ҳокимлар атрофидагилари уларга кўп эътибор қилишларини яхши кўрадилар, лаганбардорлар қанча кўп бўлса ўзларини одамлардан шунча юқори тутадилар, билмайдиларки бу эътиборни ўзларига эмас уларнинг Ҳоким лавозимларига берилаётганини. Билишса ҳам, балки бундай эътиборлилик уларнинг ўзларига бўлган баҳони “самооценка”ни ошириш учун, балки “авторитет”лари юқори бўлиши учун хизмат қилар, ҳокимларнинг “пахта қўйишлар”ни очик қабул қилишларини тушунишимиз учун ўзимиз унинг курсисига ўтириб кўришимиз керакдир эҳтимол.

Ҳокимнинг бир кунини кўриб чиқсак. “Ҳоким бува” ишга келиб кетишлари учун алоҳида автомашина, рулда ўтириб чарчаб қолмасликлари учун шахсий ҳайдовчи давлат бюджетидан ажратилади. Ҳоким халқ вакили сифатида халқ ичида юргани маъқул, ишга бориш келишда жамоат транспортдан фойдаланиши уят эмас, обрўйига ҳеч ҳам путур етмайди. Ҳокимнинг қабулига ёзиладиган одамлар навбати ҳам анча камаярди. Ҳокимият наздидаги қайсидир майда муаммолар тезроқ ҳал қилинарди. Биз солиқ тўловчилар давлат бюджетини қанчадан-қанча ҳокимлар “комфорти” учун сарф бўлаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

Жамоат транспортда эрталабки ва кечки пайтлардаги зик вақтда юриш осонмас, одамлар ичида туртилишлар, кўполчиликлар, асаб бузилишлар, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар транспорт келишини кутишлар, булар ҳаммаси катта сабрни талаб қилади. Лекин ҳокимлар йўлдаги бу кийинчиликларни ўзларига раво кўрмайдилар, ўзларини гўёки бу уларга таалукли эмасдай тутадилар. Ахир улар ҳам давлат хизматидаги бир ходимку. Эл қатори ишга бориб келишда жамоат транспортдан фойдаланса, ёнидан йўлқира тўлаб юрса бунинг ёмон жойи йўқ. Оддийлик ҳар замонда қадрланган.

Тарихдан маълум Пайғамбаримиз саҳобаларидан Умар (р.а.) халифалик даврида одамлар ичида юрган, уларнинг суҳбатларига қулоқ тутиб, шу йўл билан бошқарувдаги камчиликларни бартараф этган. Ўз кўллари билан муҳтож оиланинг етим болаларига таом пишириб берганлари ва бу оилага ўзларини таништирамаганлари, халифа эканликларини яширганлари Умар (р.а.)ни обрўсини оширган бўлса оширганки, ҳеч ҳам мавқеини туширмаган.

Агар шунга ўхшаш воқеа бизни замонда бўлсачи, дарров видеога олиниб ҳокимнинг қанчалик сахий эканлиги ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилинади, "сахий" ҳоким бир пасда машҳур бўлиб кетади. Муҳтож оила муҳтожлигича қолиб кетаверади.

Ҳокимнинг кундалик ҳаётидан давом этсак, шахсий автомашинасида ястаниб ишга етиб келди ҳамки, худди хон ўз саройига келгани каби, уни ҳоким ёрдамчиси кутиб олади, ҳатто шунақа “ҳоким ёрдамчиси” деган штат ҳам ажратилган, таажубланарли. “Хон” ўз хонасига кириши билан ёрдамчи чой дамлайди ва унга ҳисобот беришдан бошлайди. Ҳокимни кайфияти яхши бўлсагина фуқарони қабул қилади ёки мени ким сўраса “йўқ” деб айт деган топшириқ беради. Эрталабдан қабулда турган ўнлаб фуқаро ва ходимлар саволи фақат бир нарса “Шеф”ни кайфияти қалай?” “Шеф” уйида хотини билан уришиб келган бўлса, оилавий муаммолари ҳокимият ишига таъсир қилиши қанчалик тўғри?

Ҳокимнинг хонасига ҳеч кирганмисиз? Хона катта, шинам, меҳмонхонага киргандай бўласиз гўё. Хонасига қиммат жиҳозларни, энг катта курсини, телевизор, дам олиш учун диваннини ҳам талабнома орқали сўраб олган. Қизиқ талабномада нимани асос қилиб кўрсатишар экан бу нарсаларни сўраётганда. Шу катта курсида катта ишлар бажарилармикан ёки бажарилган ишлар катта қилиб кўрсатиладими фақат. Шу мисолда мамлакатини адолат билан бошқарган халифа Умар ибн Абдулазизни ўша машҳур “шам” воқеасини эслайлик, халифани олдига иш билан келган элчиларга давлат иши юзасидан савол-жавоблар ўтказилгани учун давлатга тегишли шамни ёққани, шахсий саволлар бошланганда давлат шамини ўчириб, ўзининг шахсий шамини ёққанида қанча ҳаллолик, давлат мулкига бўлган ҳурматни, тежамкорликни кўрамыз. Ҳозирги ҳокимларга вазифалардан келиб чиқиб давлат пулини тақсимлашни режалаштираётганларида тарихда ўтган Умар ибн Абдулазиздай адолатпеша бошқарувчилардан андаза олишлигини сўраб қолган бўлардик.



Тушлик вақтида ҳамкасблар билан овқатланишни ҳокимлар ўзларига раво кўрмайдилар негадир. Уларга алоҳида дастурхон ёзилмаса тушлик қилгандай бўлмас эканлар. Ишга келгандан тушликка қаерга боришни, қандай тансиқ таомни ейишни режа қилишдан бошлайди, афсуски бу ҳақиқат. Ҳокимлик ҳудудида жойлашган ресторанлар ҳоким келишига ҳар кун тайёр бўлиб туришаркан. Ҳоким фикрича унинг амал доирасида жойлашган ресторан, кафелар унга бепул хизмат қилишга мажбурмиш. Тадбиркорлар иш фаолиятини тинч юритишаётгани ҳоким буванинг саййи ҳаракатиданмиш, пой қадами табарруклигиданмиш. Ундай бўлса туманингиздаги барча боғча, мактаб, шифохоналарга ҳам шунақа тез тез ташриф буюриб табаррук айланг, ҳурматли Ҳокимлар!

Яна тарихга назар солайлик, буюк саҳоба Умар (р.а) га Амир-ул мўъминин мақомида юрган вақтларида гўштли таом келтиришибди, турмушда қийинчилик юзага келган замонлар экан. Халифа таомланишни рад этибди, халқим қийин ҳолатта турганда, очликни ҳис қилиб юрган пайтда мен қандай қилиб бемалол бундай мазали таомларни ейишим мумкин деб айтган экан.

Бизни баъзи амалдорлар тушлик пайтида ҳамма нарсани унутиб, баъзан виждонини ҳам "еб" қўйишади. Тадбиркорлар қўл телефонларида ҳокимият рақамини кўрганда сесканадиган ҳолатга келиб қолганлар, яна нима иш буюриларкан деб. Шундай кўнғироқлар дастидан бечора тадбиркор ишини ҳам йиғиштириб, бизнесини сотиб оиласини боқиш учун чет элга ёлланма ишчи бўлиб кетишга мажбур. Сабаб, даромадини кўп қисми ҳокимият ишларига "спонсорлик" қилишга кетиб қоляпти. Эҳх, мусофирчиликда юрган ўзбегим. Ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпти[4].

Президентимиз 2018 йил 28 декабрь куни Форумлар саройида Парламентга мурожаатларида ҳоким халқга яқин бўлиши кераклиги, акс ҳолда лавозимини

Йўқотиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиргандилар. Ҳамма ҳокимлар ҳам бу гаплардан тўғри англай олди деб айтолмаймиз. “Ҳоким” сўзи сўнгги пайтларда салбий тус олди. Охирги йиллар ичида ҳокимлар тез-тез шов-шувли воқеалар марказига айландилар. Халқ олдидаги масъулияти йўқолди, одамларни ҳақорат қилишгача, ўз қўл остидагиларни калтаклашгача боришди. Улар ҳамма нарса билан банд, фақат халқнинг муаммоларини ҳал қилишмайди. Мавқеларда ҳамон эскича фикрлайдиган, дипломатик ёндошув билан эмас куч билан ҳал қиладиган “ҳоким”лар борлиги ачинарли. Ҳокимлар жазосиз қолганини ҳис қилишди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари “қўли калта” халқни эмас, балки бундай амалдорларни жазолаши керак.

“Халққа яқин бўлиш керак” деган гапда Президентимиз халқнинг муаммоларини эшитувчи, маҳалла аҳолиси билан ижобий муносабатда бўлувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари самарадорлигини оширувчи раҳбар ҳақида гапирган эдилар. Бугунги ёшлар юрт келажаги. Ҳоким бугун ёшларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолмай, давлат равнақи йўлида меҳнат қилишини таъминлаш ҳақида ўйлаши керак. Ўз вақтида юртимизни яшнатиб, барпо этган, куч ва соғлиғини аямаган кексалар ҳам муносиб яшаши керак, бу ҳам ҳокимнинг вазифаларидан бири.

Умид қиламизки, яқин келажакда бизнинг давлатимизда ҳам адолатли, инсонпарвар, халқ дардини эшитадиган, яхши ҳокимлар қўпаяди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. N.M. Turaeva. "Справочно-правовые системы как орудие труда в юриспруденции" International journal of young researchers I.I (2016): 146-150.
2. Ф.Мухитдинова. "Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи" Олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик. (2011): 146-150.
3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори, 28.08.2021 йилдаги 548-сон “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”.
4. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-28-12-2018>.